



## ЖАМОАТ ЖОЙИДА ЮРИШ-ТУРИШ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИМИДЖИГА ТАЪСИРИ

**Саидов Жасурбек Сатимбаевич**

Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий бошқарма бошлигининг  
ўринбосари, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10438999>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 27<sup>th</sup> December 2023

Online: 28<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Имидж, жамоат тартиби,  
жамоат жойлари,  
характеристика, одоб-ахлоқ  
қоидалари.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада жамоат жойларида фуқароларнинг юриш-туриш қоидаларини такомиллаштириш зарурати миллий ва ҳорижий тажриба асосида ўрганилди. Шунингдек, жамоат жойларида жамоат тартибига риоя этиш, бу орқали аҳолининг миллий қадриятларимиз ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш, мамлакатимиз имиджини янада яхшилаш, бу борадаги айрим назарий ва амалий муаммоли масала ёритилган бўлиб, шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётига жаҳон давлатчилиқ тараққиётидаги энг ижобий ва амалда фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи хусусият ва принципларни амалда қўллаш орқали эришишни мақсад қилиб қўйган. Давлат, жамият ва шахс манфаатларининг устунлигини, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мамлакатимиз асосий қомуси – Конституциямизнинг бош мақсадларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, жамиятнинг ижтимоий аҳволи, амалга оширилаётган ишлардан “**аҳолининг розилиги**” устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан таъкидланганидек, ммалга оширилаётган барча ислохотларнинг замирида “**инсон ва унинг манфаатлари**” ётади.

Ҳеч кимга сир эмаски, “Янги Ўзбекистон”нинг ҳалқаро майдонда ўз обрўсига, ва ўрнига эга бўлиши кўп жиҳатларга ва омилларга боғлиқ. Дунё миқёсида давлатнинг салоҳияти фақатгина иқтисодиёт ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмасдан, халқаро ҳамжамият ва жаҳон жамоатчилиги онгу-фикрида ва қарашларида ижобий образга эга бўлган, ўзига хос хусусиятлари, яъни имиджи билан бевосита боғлиқдир.



Ўзбекистоннинг бугунги халқаро имиджи тобора юксалиб бораётганлигини дунё миқёсида кўплаб экспертлар, сиёсатчи-олимлар алоҳида эътироф этмоқда.

Мамлакатда жамоат жойларида хавфсизликни таъминланиш аҳволи, шу билан бирга фуқароларнинг жамиятда ўрнатилган тартиб-қоида тамойилларига риоя этишлари бевосита ўша давлатда қонун устуворлиги ва хавфсизлик таъминланганлиги, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланганлик даражасини белгилайди.

Бунда асосий эътибор жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш, тақиқланган ва содир этилиши жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликка кўра, **жамоат жойларида қуйидагилар тақиқланади:**

- тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, шунингдек чилим ва электрон сигареталар чекиш;
- уятли сўзлар билан сўқиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этиш;
- алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш;
- тиланчилик қилиш;
- карантин шароитида ниқобсиз бўлиш;
- ибодат либосларида юриш;
- совуқ қуролни очик (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш;
- рўйхатдан ўтказилмаган байроқлар ва вимпеллардан фойдаланиш;
- порнографик маҳсулотни реклама қилиш;
- маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш;
- ит ва мушукларни тумшуқбоғсиз ва етовсиз олиб юриш.

Мазкур ҳаракатларнинг жамоат жойларида содир этилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини келтириб чиқарса, тиланчилик қилиш ҳолати маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан кейин содир этилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳаракатлар жамоат жойларида содир этилиши учун жавобгарлик белгиланганлигининг умумий характеристикаси, яъни ўзаро узвий боғлаб турувчи жиҳати шундаки, бу ҳаракатлар натижасида жамоат жойида бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказиши, миллий маданиятимиз, қадрият, урф-одат ва аън-аналаримизга зид тарзда намоён бўилиши ва жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

**Қонунчиликка мувофиқ қуйидагилар жамоат жойлари ҳисобланади:**

- стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари;
- кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун ёпиқ иншоотлар;
- клублар, дискотекалар, компьютер заллари, интернет хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар жойлар;
- музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар;



- маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари, дарё кемалари, шаҳар, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари;
- ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;
- аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари;
- соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари;
- иш жойлари бўлган хоналар;
- кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари;
- хиёбонлар, боғлар, кўчалар ва бошқа жойлар.

Юқоридаги ҳаракатларнинг айнан жамоат жойларида содир этилишининг яна бир боғлиқлиги бу ушбу ҳаракатларнинг содир этилиши билан юзага келадиган жамоат тартибини бузиш факти ҳисобланади.

**Жамоат тартиби** эса - ушбу жамоатдаги барча фуқаролар учун ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлиги таъминланганлик даражасидир.

Шундай экан, жамоат жойида ҳар бир содир этиладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик авваломбор жамоат тартибига тўғри келиши лозим.

Бугунги кунда, жамоат жойларида, айниқса фуқаролар кўп тўпланадиган бозорлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, ва бошқа жойларда ёмон иллатга айланиб бораётган ҳолат бу – **тупуриш**, яъни фуқароларнинг жамоат жойларида тупуриш ҳолатлари кўплаб учрамоқдаки, бу ҳолат на одоб-ахлоқ қоидаларига ва на бизнинг миллий урф-одатларимиз, маданиятимизга тўғри келади.

Мамлакатимизда аҳолининг 96,3 фоизи ёки 34 млн.дан зиёди мусулмон, ислом динига эътиқод қилади.

Ислом дини – инсонга гўзаллик тарбиясини беради, динимизда покизалик диннинг ярмидир дейилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хусусида шундай баён қиладилар: “Албатта, Аллоҳ сизлардан бирортангиз бир ишни бажараётган пайтингизда уни мукамал тарзда бажаришингизни севади. Ундай инсонни раҳмат қилади”, дедилар.

Поклик – мўминнинг кўзгуси. “Поклик – иймондандир”,- деганлар жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Инсон тупуригида 500 дан ортиқ патоген микроб ва бактериялар штамми яшаши илмий жиҳатдан исботланган, улар қуригандан кейин ҳам юқиши мумкин.

Шунингдек, тупуриш билан кечувчи ўпка туберкулёзи, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, ўпканинг яққол ифодаланган эмфиземаси, меъда-ичак йўллари шиллиқ қаватини эрозив шикастланишлари, 12-бармоқли ичакнинг яра касаллиги, сил касалларнинг қон тупуриши ва бошқа касаллик турлари мавжуд.



Айниқса, коронавирус пандемияси даврида инсон тупуги орқали вирус юқиш ҳолатлари жуда кўплаб учраган.

Бугунги кунда аҳолиси **1 млрд. 406 млн.** кишидан зиёд бўлган Хиндистон давлатида жорий йил октябрь ойи даврига кўра **45 млн 1 160 нафар** фуқаролар коронавирус билан касалланган бўлиб, **533 минг 293 нафарида** касаллик ўлим ҳолати билан тугаган.

Соғлиқни сақлаш тизими анча ривожланган мазкур мамлакатда Ҳукумат фалокат шароитларида ҳаракатланиш тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган қоида бузилишлар рўйхатига ўзгартиришлар киритди ва Хиндистонда бундан буён кўчада тупурганлик учун кескин чоралар – жаримадан тортиб бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин. "Вирус томчи йўли орқали юқади, шунинг учун ҳозирги вазиятда кўчада тупуриш хавфи, жиддий чоралар кучга кириши зарур", - деб изоҳлади мамлакат ҳукумати бу қарорни.

Бундан ташқари, Жанубий Кореялик олимлар айнан инсон тупуги таҳлил натижалари орқали коронавирусни 10 сонияда 99 фоиз аниқлик билан аниқлайдиган ускунани яратишган.

Кўриниб турибдики, жамоат жойларида тупуриш – ёқимсиз ва одоб-ахлоқ қоидаларига, миллий маданиятимизга тўғри келмайдиган ҳаракат бўлиб қолмасдан, инсон саломатлиги учун бир мунча хавф туғдиради.

Бироқ, республикамизда жамоат жойларида тупуриш ҳолатлари кескин кўпайиб бормоқда.

Эксперимент сифатида шу йил **октябрь ойининг 20 куни** мобайнида **Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "Юнусобод" дехқон бозорининг** чиқиш дарвозаси ўрнатилган кузатув камераси орқали **247 та** ҳолатда фуқароларнинг бозор ҳудудига тупуриш ҳолатлари қайд этилганлиги маълум бўлди.

Бу биргина фуқаролар оқими ўртача бўлган бозор ҳудудидаги биргина кузатув камерасига қайд этилган ҳолат.

Бу каби ҳолатларни бир кунда қанчалар кўп кузатилишини тасаввур қилиш мумкин.

Бу борада бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилганда, Қирғизистон пойтахти Бишкекда 2019 йил 1 январдан бошлаб жамоат жойларида тупурган шахслар жаримага тортилиши белгиланган.

Ҳукумат томонидан эълон қилинган Коидабузарликлар тўғрисидаги янги кодексга - "тупуриш" банди киритилган бўлиб, кодекснинг 71-моддасига мувофиқ, тупуриш - маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш ва ёқиш билан тенглаштирилади ва жисмоний шахсларга нисбатан – 5,5 минг қирғиз соми (*78 доллар*), юридик шахсларга нисбатан – 17 минг қирғиз соми (*243 доллар*) миқдоридан жарима солишга асос бўлади.

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг Ярославл вилоятида жамоат жойида тупурганлик учун жарима белгиланган.

*"Биз Ярославл вилоятида маданиятни кўп жиҳатдан, шу жумладан, бироз бошқача томондан шакллантирмоқдамиз. Биз янги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни қабул қилдик. Мамлакатда биринчи ва дунёда учинчи бўлиб тупуриш учун жавобгарликни*



жорий қилдик. Дунёда фақат икки давлат – Сингапур ва Қозоғистонда бундай маъмурий жавобгарлик бор. Ва энди учинчи давлат пайдо бўлди”, деб хабар берган вилоят губернатори Михаил Евраев.

Россия Федерациясининг Ярославл вилояти думаси томонидан жорий йилнинг **27 июнь** куни маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги минтақавий қонунга ўзгартиришлар киритилиб, жамоат жойларида тупурганлик учун **1,5 минг** рубль (тахминан 200 минг сўм) миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Агар ҳуқуқбузарлик бир йил ичида яна такрорланса, жарима **2 баравар** ошади.

Тупуриш учун жавобгарлик Қозоғистон пойтахти - Нурсултон шаҳрида ҳам белгиланган бўлиб, шаҳар кенгаши депутатлари тупурганлик учун жазони кучайтиришни таклиф қилишган ва пойтахт ҳокимлиги кўчалар ҳамда жамоат жойларини ифлослантириш, жумладан, тупуриш тақиқланганини тасдиқлаган.

Мазкур ҳолатга ҳукумат томонидан - тупуриш нафақат шаҳар кўркини бузади, балки турли бактерияларнинг тарқалишига ҳам сабабчи бўлади. Бу каби ҳолатларга гувоҳ бўлганлар ҳуқуқ органларига мурожаат қилишлари мумкин, бунинг учун ўша ҳолатнинг фотоси ёки видеоси илова қилиниши зарур, деб баёнат берган.

Ҳозирда, Нурсултон шаҳрида тупурганларни тутиш учун видеокузатув камераларидан фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, **Сингапур** давлатида тупуриш каби жирканч хатти-ҳаракатлар сирасига киритилган бўлиб, 2 минг АҚШ долларигача жарима ёки уч ойгача қамоқ жазосига тортилиши мумкин.

**Юқорида келтирилган мулоҳазалардан ва ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсия ишлаб чиқилди:**

Авваламбор, синов тариқасида Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида жамоат жойларида тупурганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш лозим.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шу мазмунда янги модда киритиш орқали ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик билан ифодаланадиган - мўлжалланмаган жойларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш, уятли сўзлар билан суқиниш, жамоат жойларида очикчасига ҳожат чиқариш, ялонғоч ҳолда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш каби умум эътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига айнан жамоат жойида тупуриш ҳаракати ҳам қўшилади.

Бу орқали жамоат тартибининг одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишини олди олинади.

Кейинчалик, мазкур нормани бутун Республика ҳудудида жорий этиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолати сифатида барвақт аниқлашга ва олдини олишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

**Хулоса ўрнида**, жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этилиши авваламбор ўша жамият аъзолари бўлган фуқароларнинг жамоат тартибига, қонунлар ва миллий қадрият, урф-одатларимизга риоя этишига, қолаверса мамлакатимиз имиджига ижобий таъсир кўрсатади, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар ва туристларда



ижобий фикр уйғотади ва энг асосийси аҳоли соғлигига зиён етказилишини олди олинади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги, 24.10.2020 й. / <https://president.uz/uz/lists/view/3913>
3. Д.С.Қосимова, А.А.Собиров Бошқариш назарияси асослари. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2011. 10-б.
4. Афанасьев Д.А., Хазов Е.Н. Административно-правовая деятельность штабных подразделений органов внутренних дел. – М: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2017. – С 45.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида”ги 270-сон қарори / Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1991 й.,10-сон, 36-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори. / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.08.2018 й., 07/18/3919/1787-сон.